ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

10 сентябрь, пайшанба 1998 йил №106(607)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2 «ЭНДИ ШОВДИРОВ УСТИДАН ЁЗМАЙМАН»

3 КАМПИР ЎСМА ҚЎЯРМИДИ...

4 «ЯНГИ ХАМСА» ҲАҚИДА

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

**БОКУ. 8 сентябр. / ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади/.** Озарбайжон пойтахтидаги «Гулистон» саройида «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев очди.

Анжуманда ўттиздан зиёд давлат ва кўплаб халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасида ўтказилган ушбу анжуман нафақат Европа, Кавказ ва Осиё, балки бутун дунё мамлакатлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки Машриқ ва Мағрибни бир-бири билан энг қисқа йўналиш бўйича боғловчи ушбу йўл бутун жаҳон иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади. Шу боис Евроосиё транспорт йўлаги - ТРАСЕКА дастури доирасида амалга оширилаётган ишларга ушбу дастурга аъзо давлатлар билан бир қаторда, бошқа мамлакатлар ҳам катта қизиқиш билдираётир.

Анжуманда ТРАСЕКА дастури доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ривожлантириш йўлидаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ТРАСЕКА йўлагини ривожлантириш учун ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, мазкур дастурни амалга оширишда иштирок этиш механизмларини мувофиқлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари Европа-Кавказ-Осиё йўлагини тезроқ тўла қувват билан ишга туширишш халқаро интеграция йўлида муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари мазкур йўлакни ривожлантириш бевосита минтақавий тинчликни таъминлаш, мамлакатлар иқтисодиётини янада юксалтиришда бемисл самара беражагини алоҳида қайд этди.

Халқаро конференция сўнгида бир неча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим, Боку декларацияси ана шулар жумласидандир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Президент Ислом Каримовнинг Бокуга ташрифининг иккинчи куни ҳам икки томонлама учрашувларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Украина президенти Леонид Кучма, Руминия президенти Эмил Константинеску билан учрашди. Учрашувларда ТРАСЕКА дастури доирасидаги ҳамкорлик, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар хусусида сўз борди.

* * *

**Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Ҳалилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.**

/ЎзА/.



*Бўка тумани деҳқонлари пахта теримига ҳозирлик кўришмоқда. Тумандаги «Кўкорол» хўжалигининг Солижон Мадаминов бошлиқ бригадаси аъзолари 45 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ниятлари ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказиш.*

**Суратда: бригада бошлиғи С.Мадаминов ва сувчи С.Йўлдошевлар ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда.**

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

## БИЗ ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ БОРАМИЗ

**Маълумки, Ўзбекистон суверен давлат сифатида очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш, дунёдаги ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиш, яқин келажакда ҳуқуқий демократик жамият қуриш борасида олиб бораётган тадбирлари ҳозирги вақтда дунёнинг кўпчилик давлатлари томонидан тан олинаётган мамлакатдир. Мамлакатимизнинг «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш соҳасидаги ташаббускорлардан бири эканлиги ҳам ғоят диққатга сазовордир. Куни кеча юртбошимизнинг шу тадбирга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Бокуга жўнаб кетиш олдидан бир гуруҳ журналистлар билан бўлган суҳбати мазмуни ҳам мамлакатимиз келажаги учун қанчалик муҳим ва ғоят шарафли ишларнинг амалга ошириш кўзда тутилаётганини кўрсатиб турибди.**

Чиндан ҳам агар «Буюк ипак йўли»ни қайта тикланиши ҳақидаги фикрни жиддий ўйлаб кўрсак, бу шунчаки иш эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Чунки бу иш қадриятларимизни тиклаш, ота-боболаримиз босиб ўтган ва улар қадим замонларда барпо этган муҳташам карвонсаройлар, бозорлар, боғ-роғлар, йўллар, сув иншоотлари, шу билан бирга савдо сотиқ йўллари орқали ҳар бир мамлакатни бошқа мамлакатлар маданияти, гўзал урф-одат, меҳмондўстлик ва бошқа анъаналари билан бойитиш, хорижий тилларни ўрганишга даъват этиш каби ажойиб кўҳна меросимизни қайта тиклаш билан тенгдир. Иккинчи томондан ҳозирги XXI аср бўсағасида «Буюк ипак йўли» ни қайта тиклаш ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ва маърифий соҳаларда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бугунги амалга оширилаётган бундай олийжаноб ишлар мустақил Ўзбекистонни XXI аср бўсағасидаги тарихида зарҳал ҳарфларда ёзилган сатрлар, мустақиллигимизни дастлабки йилларида амалга оширилган ишларидаги намуналардан бири бўлиб қолади. Бу борада Президентимизнинг Ўзбекистонни Европа ва Осиё бозорларига, денгиз йўлларига олиб чиқиш учун амалга ошираётган тадбирлари, коммуникация ишларини тезроқ амалга ошириш борасидаги ташвишлари ва ҳаракатларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси яхши тушуниб олиши зарур. Агар белгиланган мақсад ва режалар амалга ошса, Ўзбекистон Эрон орқали Форс кўрфазига, Покистон орқали Ҳинд океанига, Туркия орқали Ўрта ер ва Қора денгизга чиқиши мумкин. Ўш, Иркиштом, Қошғар орқали эса Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамда кун чиқар Япония билан боғланиш имконияти яратилади. Президентимиз журналистлар билан бўлган суҳбатда Ўзбекистонни Туркманистон, Каспий денгизи, Боку, Грузия орқали Европа билан боғлайдиган Транскавказ йўналиши ҳақида ҳам алоҳида тўхталди. Албатта бундай ишлар ҳаммамизни қувонтирмай қолмайди.

Мазкур суҳбатда Президентимиз ҳозирги даврда Россиядаги иқтисодий муаммолар ҳақида берилган саволлар бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдиргани кўпчиликни қизиқтириб келаётган масалаларга аниқлик киритди. Россиядаги бўлаётган воқеаларга халқимизнинг қизиқиши табиий. Чунки давлатлараро ҳамкорлик муносабатлари, қолаверса мамлакатимизда яшовчи халқларнинг маълум қисмини руслар ташкил этиши, ундан ташқари уларнинг қариндош уруғларининг бир қисми Россияда истиқомат қилиши ва бошқа масалалар кишини ўйлантирмай қўймайди. Шундай экан атрофимиздаги қўшни давлатлар, шунингдек Россия давлати ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан яхши ва барқарор бўлса бунинг бошқа давлатларга ҳам албатта ижобий таъсири бўлади. Лекин, **Россиядаги ҳозирги мавжуд иқтисодий муаммолар бизнинг ҳаётимизга жиддий салбий таъсир этмайди.** Бу масалани Президентимиз аниқ мисоллар билан асослаб берди. Биз ҳозирги вақтда **Россиядан озиқ-овқат эмас, асосан ишлаб чиқариш воситалари сотиб оламиз. Россиядаги муаммолар илдизини у танлаган йўлдан излаш лозим.** Умуман МДҲ мамлакатларида 1990 йилдан буён иқтисодий соҳаларда амалга оширилган тадбирлар асосида қўлга киритилган ютуқларга назар ташлагудек бўлсак бу соҳаларда **Ўзбекистон Республикасининг ўзи танлаб олган истиқлол ва тараққиёт йўли ғоят тўғри танланганининг гувоҳи бўламиз.** Бунинг исботи 7 йил даврида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши индекслари, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши суратлари бўйича Ўзбекистон анча юқори ўрин эгаллаганлигидир. Масалан, 1997 йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 12,7 фоиз ўсди. Бу кўрсаткич Белоруссияда 1990 йил даражасининг 71, Қирғизистонда 51 фоизини ташкил этди. Қолган бирорта МДҲ мамлакатлари ислоҳотдан олдинги даражанинг ярмига ҳам эришгани йўқ. Булар қаторида Россия давлати ҳам бор.

Ўзбекистон Республикасида эришилган ютуқлар албатта ўз-ўзидан бўлиб қолмади. Бунда мамлакатимиз тараққиёт йўлининг тўғри белгилаб олинганидан ва халқимизнинг бир-жон бир тан бўлиб меҳнат қилишидан ва ниҳоят Президентимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий, маданий ишларни чуқур ва пухта билганлиги натижасидир.

Тошпўлат ТОШЛОНОВ,
профессор.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**К И Е В. Украина ҳуқуқни ҳимоя қилиш хизмати Украина-Россия миллий футбол жамоаларининг Европа чемпионатига саралаш ўйинида безорилик қилгани учун икки нафар россиялик ишқибоз устидан жиноий иш қўзғади. Улар футбол майдонидаги югуриш йўлакчасига тутун чиқарувчи граната ташлаганликда айбланмоқда.**

**Украина ички ишлар вазирлигидан маълум қилинишича, гарчи россиялик икки ишқибознинг бу ишлари ҳеч кимга зарар келтирмаган бўлса-да, уларнинг ҳаракатида жиноий кўринишлар мавжуд.**

**Умуман, мазкур ўйинда жами 42 нафар ишқибоз ҳибсга олинган. Уларнинг 17 нафари россиялик ишқибозлардир.**

* * *

**С Я Н Г А Н.** Хитойга ташриф буюрган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мэри Робинсон хонимга ушбу мамлакатдаги 14О дан ортиқ сиёсий маҳбус очиқ хат йўллади.

Сянгандаги инсон ҳуқуқлари марказининг хабар беришича, мактубда олий комиссардан сиёсий маҳбусларни озод этишга кўмак бериш сўралган.

М.Робинсон ташрифи чоғида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Хитой билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандумни имзолади. У мазкур ҳужжатни икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги амалий қадам, деб баҳолади.

* * *

**Т Е Л - А В И В. Исроил мактабларида 8 сентябр куни дарслар бошланди. Аслида Исроилда ҳам ўқув йили бошқа мамлакатлардагидек 1 сентябрдан бошланиши керак эди. Бироқ ўқитувчиларнинг ўз маошларини оширишни талаб қилиб иш ташлашгани мактаб эшикларининг 8 кун кеч очилишига сабаб бўлди.**

**Узоқ давом этган музокаралардан кейин ўқитувчилар касаба уюшмалари билан мамлакат молия вазирлиги ўртасида муаллимларнинг маошини 1,9 фоизга ошириш бўйича келишув ҳужжати имзоланди.**

* * *

**А Н Қ А Р А.** Афғонистон президентининг вакили Туркия президентининг Афғонистон муаммоларига бағишланган халқаро учрашув ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. У журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда мазкур ташаббусни «Бу Афғонистондаги барча сиёсий гуруҳлар учун ягона имконият», дея баҳолади.

Туркия президенти Сулаймон Демирэл Анқарага ташриф буюрган Афғонистон президенти Бурҳониддин Раббоний билан учрашувда Афғонистон муаммоларини фақат тинч йўл билан ҳамда БМТ Бош котиби ва қарама-қарши урушаётган томон вакиллари иштирокидаги учрашувлар орқали ҳал этиш мумкин, деган.

ЎзА/

*Спорт Спорт Спорт*

## МУСОБАҚА МАВҚЕИ ОШМОҚДА

Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирининг обрўси йил сайин ошмоқда, қатнашувчилар сафи кенгаймоқда. Биринчи турнирда америкалик Чак Адамс, иккинчида африкалик Карим Аламий, учинчи ва тўртинчисида европаликлар - Феликс Мантилла, Тим Хенманнинг ғалаба қозониши мусобақа довруғининг қитъалардан ошганлигига далолатдир.

Юртимизнинг энг яхши теннисчилари Олег Огородов илк турнирни 702-ракеткачи сифатида бошлаганди. У ўтган йили 120-ракеткачи бўлиб кортга чиқди. Шунингдек, бу турнирлар мамлакатимизнинг Абдулҳамид Маҳкамов каби юлдузини кашф этди. Муҳими, турнир ўйинларини кортда, телевидение орқали кўрган минг-минглаб юртдошларимиз қалбида теннисга қизиқиш уйғонди ва улар ўзлари ҳам қўлларига ракетка олишди(

12 сентябрда «Юнусобод» кортларида бошланажак «Президент кубоги» турнирида иштирок этиш истагини билдирган теннисчилар талайгина. Жумладан, ўтган йилги турнир ғолиби Буюк британиялик Тим Хенман, мухлисларга «масхарабоз» дея танилган швейцариялик Марк Россе, кучли зарбалар соҳиби россиялик Евгений Кафельниковлар бу йил ҳам «Президент кубоги»да иштирок этиш истагини билдиришган. Шунингдек, «ТЕННИС+» газетаси тақдим этган «турнир қатнашчиларининг дастлабки рўйхати»ни кузатсангиз Седрик Пьолин (Франция), Андриа Гауденце (Италия), Сьенг Шалкен (Голландия), Марат Сафин (Россия), Борис Беккер (Германия) сингари ATP-Tour таснифида юқори поғоналарда турган 40 нафарга яқин маҳоратчи теннисчиларнинг ҳам юртимизга келиши кутилмоқда. Ушбу мусобақаларда мустақил юртимиз шаънини биринчи ракеткамиз Олег Огородов ҳамда Вадим Куценколар асосий сетда ҳимоя қилишади.

Дониёр ЮСУПОВ.

*Қарор ва иқрор*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори қабул қилинди.

## ШОЯД БУ СОҲАДА ҲАМ ТАРТИБ ЎРНАТИЛСА

Яқинда Хоразм вилоятига боришга тўғри келиб қолди. Самолётда учиб боришни ният қилдим, бир соатдан сал кўпроқ вақт осмонда «сайр» қиласизу Урганчнинг замонавий шинам аэропортига бориб қўнасиз, йўл азоби нима эканлигини билмайсиз ҳам. Тошкент аэропортининг маълумотлар берувчи хизматига телефонда мурожаат қилдим. У ерда ўтирган хоним жўнгина қилиб 5 минг сўм атрофидаги нархни айтди. Бориш-келиш 10 минг сўм. Кўпчилик қатори мен учун ҳам бу катта пул, оғирлик қилади. Шундан сўнг поездни суриштирдим, узоқ юради, бунинг устига вагонлардаги шароит талабга жавоб бермас экан. Автобусни суриштирдим: 19-20 соат юрар экан. Ғирт азобнинг ўзгинаси! Маслаҳатлашиб, ўзимизнинг шахсий «Жигули» енгил автомашинамизда йўлга чиқадиган бўлдик.

Тонг саҳарда машинамиз уйдан қўзғалди. Бензин оз экан, йўлда оладиган бўлдик. Кетаяпмиз, кетаябмиз... Қани энди на шаҳар ичидаги, на шаҳар ташқарисидаги биронта бензин қуйиш шохобчаси ишлаётган бўлса! Тошкент-Термиз йўлида кўзимиз аланг-жаланг бўлиб елиб бораяпти. Бир маҳал 3-4 та автомашина тўпланиб турганлигига ва уларга бензин қуйилаётганлигига кўзимиз тушиб, беҳад хурсанд бўлиб кетдик. Суриштирсак, бу ер қўшни Қозоғистон ҳудуди экан. Мўъжазгина йўлнинг ўртасига бензин дўкони ўрнатилиб, икки ёш қозоқ йигити ялангоёқ бўлиб, сув кечиб идишларда бензин ташимоқда. Нархини сўрасак, бир литри 50 сўм экан. Тошкентда 30 сўм, бу ерда... Нега бунча қиммат, деб суриштирсак, биринчидан, чет эл, иккинчидан, дўкон хусусий экан. Бензинимиз тугай деб қолгани учун аламимизни ичимизга ютиб 30 литр қуйиб олдик. 600 сўм пул ютқаздик. Тошкентдаги бензин қуйиш шохобчалари тунда ҳам ишлаганида ўша пул ҳамёнимизда қолган ва оила бюджети анча тежалган бўларди, албатта. Бу бизнинг узоқ йўлдаги биринчи аччиқ сабоғимиз бўлди. Яъни: «қиш ғамини ёзда е», деганларидек, узоқ сафарнинг тайёргарлигини кундуз куни қилиб қўйиш лозим, бензин қуйиш шохобчаларининг тунда ишлашларига умид қилмаслик керак экан.

Иккинчи аччиқ сабоғимиз: шаҳар ичидами, ташқарисидами, барча ёнилғи қуйиш шохобчаларида автомобилларга бензин қуйилаётганида чўмичдан урилар экан, аниқроғи ўғирлик содир этилар экан. Сабаби, бизнинг уйдан Урганчга қадар масофа 1 минг километр эканлигини олдиндан аниқ билар эдик. «Жигули» машинамиз ҳали янги. Демак, бир минг километрга кўпи билан 105 литр бензин сарфланиши керак. Биз эса боришда 118, қайтишда эса 125 литр бензин сарфладик. Мен омий бир йўловчиман. Хоразмга боришда ҳам, қайтишда ҳам битта йўлдан юрдик, нега икки хил миқдорда бензин сарфланди, деб ўғилларимдан сўрасам, қайтишда сотиб олган бензинимиз ҳам анча сифатсиз, ҳам кўпроқ ўғирлатибмиз, дея бу борадаги саводимни анча чиқариб қўйишди.

Хўш, пойтахтимиздаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида аҳвол қандай? Қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, қониқарли эмас. Исталган ҳайдовчидан сўрасангиз, ҳаммасида ҳам у ёки бу даражада норозилик бор. Аввало хизмат кўрсатиш маданияти паст, шохобчаларда ишловчилардан айримларининг муомалалари ҳамон дағал, кўпчилик АЁҚШларнинг санитария ҳолати талабга жавоб бермайди, уларнинг ҳудудида водопровод суви йўқ, гулзорлар бунёд этилиб ободонлаштирилмаган. Бундан ташқари ўғирлик авжида: бензин қуйилувчи шлангларда ҳар бир мижоздан 1-1,5 литр ёнилғи қуйилмай қолиб кетишидан ташқари ҳисоблагич (счётчик)лар ҳам нотўғри кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароити туфайли аҳолини бензин билан таъминлашда кейинги пайтларда бизнеснинг «янги тури» пайдо бўлганлигини ҳам кузатиш мумкин. **Йўлларга қатор териб қўйилган бензинли идишлар, ёнилғининг тури ва нархи ёзилган билдирувлар анчадан буён шаҳримиздаги айрим кўчалар манзарасининг таркибий қисмига айланиб қолганлиги кўпчиликка маълум.**

Хусусий секторда ёнилғи ишлаб чиқарилмаслигини яхши билганимиз учун бу хусусий бензинлар қаердан пайдо бўлганлигини билиш қийин эмас, албатта. Шуниси қизиқки, АЁҚШларда бензин бўлмаган тақдирда ҳам йўл чеккаларидаги бу ёнилғини истаган вақтда харид қилишингиз мумкин. Фақат нархининг устида бироз «шапкаси» бор. Шунисига чидасангиз бас. Фақат сифати кафолатланган эмас. Бунисига ҳам чидашингиз керак.

Яна шуниси ёмонки, олиб-сотарлар қўлига чиқиб кетган бу бензинли идишлар давлат монополияси бўлган ёнилғиларни талон-торож қилиб келтирган зараридан ташқари кўчаларимиз манзарасини хунук қилмоқда, автомобилларга қуйилаётганда йўлларга тўкилиб, атроф муҳитни булғамоқда, шаҳримиз санитария ҳолатини бузмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»** яқинда қабул қилган қарори пойтахт аҳолисига катта қулайлик туғдиришда ва бу борадаги қийинчиликлардан фуқароларни халос этишда катта ёрдам беришига ишончимиз комил. Қарорда 1998 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ва қўшма корхоналар томонидан нефть маҳсулотларини сотишга доир фаолият фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бериладиган махсус рухсатнома (лицензия)лар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, нефть маҳсулотларини сотишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси, Давлат Солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўздавнефтьмаҳсулот» бирлашмасига юкланди.

Умид қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори катта ҳудудга ва кўп миллионли аҳолига, сонсиз-саноқсиз давлат ҳамда хусусий автотранспорт воситаларига эга бўлган пойтахтимизни нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда муҳим амалий қадам бўлади. Бу соҳада Тошкентда тўпланажак тажриба келгусида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида аҳолини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни янада кучайтиришда асқотиб қолиши турган гап.

Абдураим ОТАМЕТОВ,
«Ишонч» мухбири.

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИ–ОИЛА ЙИЛИ

*Одамийлик сабоқлари*

## КАМПИР

Инсоният қадим замонлардан буён, ҳаётнинг энг яхши жиҳатларини, ахлоқий сифатларини, ҳаёт сабоқларини, бола тарбиясига оид тажрибаларини фаровон ва осойишта турмуш тарзини, оила бошқаришнинг самарали усулларини авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтказиб келган.

Маълумки, оила жамиятнинг асосидир. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек: **«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».** Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти нафақат шахсий фаровонлиги тўғрисида, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса олий даражадаги маънавий қадрият ҳисобланади.

Оиладаги ота-онанинг ёки катта ёшдаги кишиларнинг, шунингдек фарзандларининг оила доирасидаги бурч ва вазифаларига риоя этиш, оила хотиржамлигининг мезонидир. Оилада аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва хотиржамлик ҳукмрон бўлса, бундай оилада тарбияланган болалар маънан соғлом, меҳр-оқибатли, тўғри сўз ва хуш феъл бўлиб улғаядилар. Дарвоқе, бунда ота-онанинг ибратли хатти-ҳаракати алоҳида ўрин тутади. Зотан, ота-онанинг бир-бирига бўлган ҳурмат эътибори, уларнинг дунёқараши, савияси, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ҳамда меҳнат жамоасининг уларга бўлган муносабати, эътиқоди ва ихлоси бола онгида ибрат бўлиб муҳрланади.

Ҳар қандай оилада ота-онанинг тутган ўрни беқиёсдир.

Табиийки, ота-онанинг ёши улғайган сари ўз фарзандларига ихлослари ошиб боради, уларни энг яқин маслакдош деб биладилар. Ҳар бир ўғил-қиз ота-онанинг қариган чоғида ҳар қандай вазиятда ҳам улар билан суҳбатлашиб туриш учун вақт ажратишлари лозим. Шунингдек, уларнинг кундалик эҳтиёжларидан хабар олиб туришлари керак. Нақл қилинишича, қадим замонда хуш феъл, солиҳ ва қобил бир йигит бўлган экан. У онасининг якка-ю ягона фарзанди экан. Бола балоғатга етгач, она ўз тенгини топиб уйлантирибди. У ўз умр йўлдошига биринчи кундан бошлаб, доим бир сўзни уқтирар экан: «Ойим куч-қувватдан қолиб қариб қолдилар, боз устига касалмандлар, мени ҳурмат қилмасанг ҳам, ойимнинг иссиқ-совуғидан доим хабардор бўл! Зотан, қариялар оиланинг сарваридурлар, уларни ранжитмаслик, ҳар қандай хоҳиш ва тилакларини имкони борича бажармоқ биз ёшлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир». Йигит ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб, онасининг олдига кириб салом берар, ҳол-аҳвол сўраб сўнг ишга кетар экан. Аммо онаси билан бафуржа ўтириб суҳбатлашишга вақт тополмас экан.

## ЎСМА

Келин эса ёшлик ғururига берилиб, қайнонасига ўзи билганича муомала қилар, яхши таомлар ўрнига қуруқ нон-чойни ҳам вақтида бермас экан, йигит ишдан келгач, онасининг аҳволи, бугун қандай таом егани ҳақида хотинидан сўраб-суриштираркан. Хотини эса «Шукур, аҳволлари яхши, кўнгиллари тусаган овқатни қилиб, едириб турибман»-деб, жавоб бераркан. Кампир эса уйда кечаётган синоатни бировга изҳор қилмас, айниқса, «келинимнинг қилмишларини ўғлим билгудай бўлса, тинчлик барҳам топади, оила бузилади»-деб, ўйлаб ўғлига ҳам ҳеч нарса демас экан.

Ойлар, йиллар ўтибди. Кампирнинг силласи қурибди, боши ёстиққа тегибди. Онасининг кундан-кунга путурдан кетаётганидан афсусланган йигит, эрталаб ишга кетаётиб кўча эшик олдида тўхтаб, хотинидан: «Овқатга иштаҳалари қанақа, тузукроқ овқат ейдиларми, ўзи?»-деб, сўрабди. Хотини эса «ўзи иштаҳалари яхши эмас. Вой, менга ишонмаяпсиз шекилли, ҳар куни икки-уч марта сўрайман, ҳеч нарса емайман деб қайтарадилар. Мана, сиз шу ердан қараб туринг мен бориб сўрайин, жавобларини ўз қулоғингиз билан эшитинг, - дебди-да, эрини дарвоза олдида қолдириб, ўзи ҳовлининг тўридаги айвонга бориб, қайнонасига яқинлашиб паст овозда: - «Ойи, қошизга ўсма қўясизми?»-дебди. Кампир қўли билан рад жавобини берибди. Келин яна «кўзизга сурма қўясизми?»-дебди. Кампир яна рад жавобини бериб, бошини ёстиққа қўйибди. Келин эрининг олдига келиб, ана кўрдингизми «Шилпилдоқ қилиб берайми»-десам, йўқ, «бўлмаса бир чимдим палов қилиб берай»-десам, яна йўқ дедилар, дебди. Йигит ҳайрон бўлиб ишга кетибди. Кечқурун ўзи билан бирга табибни олиб келибди. Табиб кампирнинг томирини ушлаб кўриб, онахонни яхши таомлар едириб, парвариш қилиш лозим, қон камайиб кетган - деб, хулоса чиқарибди. «Табиб кетгач, йигит онасига: «Табибни сўзини эшитдингизми, ойи? Сиз овқат емай касални зўрайтиргансиз»-дебди. Кампир мийиғида кулибди-да, «Ўғлим, сенинг қалбинг пок, хуш феъллигингдан фахрланаман, Оллоҳга беадад шукурки, тарбиям зое кетмади. Энди менга яхшилаб қулоқ сол, фақат мени розилигимдан ташқари бирор иш қилмасликка сўз бер»-дебди. Ўғли сўз берибди. «Ўғлим-деб, сўз бошлабди кампир, — келинимни ёқтириб ўзим сенга олиб бергандим. Ҳар ҳолда ёшлик ғururими, балки мендан ҳам камчилик ўтгандир, билмадим, ҳайтовур менга кўпда элакишмади. Айниқса кейинги пайтларда икки хил муомала, яъни сени олдингда бошқа, сен йўқлигингда бошқача муомала қиладиган бўлиб қолди. Кун бўйи бир чойнак чой билан нондан бўлак ҳеч нарса кўрмайман.

- Овқат қилиб бермайдими?-сўради, ўғли ҳайратланиб.

- Оҳ, ўғлима, овқат бўлса емайманми...

- Ахир, келинингиз шу бугун эрталаб ҳам «нима овқат ейсиз?»-деб сўради-ку. Мен дарвоза олдида қараб турган эдим, қўлингиз билан «йўқ» жавобини бердингиз-ку.

Кампир истеҳзоли кулимсираб, тўғри, йўқ дедим. Келиним олдимга келиб, «ўсма қўясизми, сурма қўясизми?»-деди. Мен йўқ деб, жавоб бердим - деган экан.

## ҚЎЯРМИДИ...

Бу бир ривоят, ҳар ҳолда шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳаётда шунчалик бўлмаса-да, баъзан шунга ўхшаш воқеалар ҳам учраб туради. Бундай иллатларни таг-томири билан тугатиб, ватанимиз шон-шуҳратини жаҳонга кўз-кўз қила оладиган, ўқимишли, юксак тарбияли, иқтидорли комил инсонларни вояга етказиб берадиган бу оиладир. Оила пойдеворини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириб камолот чўққисига кўтариш учун жамиятимизда барча имкониятлар мавжуд.

**Турғун ФАЙЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими.**

*Болаларингиз билан бирга ўқинг*

## XO'ROZBEK VA OFTOBOYIM

(ertak)

**Bir bor ekan, bir yo'q ekan. Qadim zamonda, o'zi shahardamas qishloq tomonda juda baland qichqiradigan xo'roz bo'lgan ekan. Har kuni tong otganda baland ovoz bilan qichqirar ekan va hammaga:- «Oftoboyim mening ovozimni eshitib uyg'onadi va olamni yoritadi», - derkan. Hamma qushlar unga salom berisharkan. Xayrli tong, Xo'rozbek deyisharkan. Xo'roz ham salobat bilan ohista yurib, qushlarga qarab derkan: - «Salom azizlarim! Tongingiz fayzli bo'lsin, kichkintoylar! Sizlar yaxshi bilsangiz kerak, men har kuni tongda oftoboyimni uyg'otaman». Bir kuni xo'rozbek boshini baland ko'tarib, y erga qaramasdan mag'rurlik bilan ketayotganda birdan soyga yiqilib tushibdi. O'rdakxonim va uning bolalari bechora xo'rozni tezlik bilan qutqaribdilar. Bu voqeadan keyin xo'rozbek shamollab qolibdi. Bir necha kun shu tarzda o'tibdi. U o'z uyida dam olibdi. Ertalab uyqudan turib, derazadan qarasa, oftoboyim har kungidek o'z nurlari bilan olamni yoritayotgan ekan. Xo'rozbek batamom sog'ayib ketgandan keyin oftoboyim xo'rozning ovozsiz ham olamni yoritishini tushunib etibdi. Do'stlari davrasida hech qachon maqtanchoqlik qilmaydigan bo'libdi. Faqat kattalar ishga, bolalar o'qishga kech qolishmasin deb, tong saharda qichqirishini qo'ymas ekan.**

## XANDALAR

**O'qituvchi Zokirga shunday savol bilan murojat qildi.**

**- Oying bog'dan o'nta olma olib chiqdi. Uchtasini o'zi oldi, qolganini senga berdi. Aytginchi, oying senga nechta olma bergan bo'ladi?**

**Zokir qoshlarini chimirib dedi:- U menga umrida shuncha olma bermaydi.**

**O'qituvchisi jilmayib qo'ydida, savolini boshqacha qilib berdi: - Mayli, bog'dan oying emas, sen olma olib chiqding. Uchtasini o'zingga qoldirding, qolganini oyingga berding. Oyingga nechta olma bergan bo'lasan?**

**Zokir dedi: - Men ham oyimga shuncha olma bermayman.**

* * *

**Bir yalqov bola bir sinfda ikkinchi yili qolibdi. Yangi o'quv yily boshlangan kuni o'qituvchi opalari qora taxtada katta qilib «A» harfini yozib qo'yibdi.**

**Bjlakay ajablanib qarab turivdi-da: - Opa, bu bulturgi «A»-ku! - deb qichqirib yuboribdi.**

* * *

**Birinchi sinfda o'qiydigan Doniyor Alisherdan qarzga «5» so'm so'rabdi.**

**Menda «3» so'mgina bor, - debdi Alisher.**

**Shunda Doniyor: - Mayli, shuni berib tur, menga yana «2» so'm qarz bo'lasan,- degan ekan.**

**B.TURGUNOV tayyorladi.**

*Ўқинг, бу қизиқ!*

## АЙБДОР МУШУК

**Литванинг Меркинс қишлоғида қўрқинчли воқеа содир бўлган. Ёш она тўрт ойлик чақалоғини кроватга ётқизиб, иш билан ҳовлига чиқиб кетади. Қайтиб келса кроватда севимли мушуги ётарди. Она уни қувиб юборади-да, боласини эмизмоқчи бўлиб қўлига олади. Она бирдан қўрққанидан додлаб юборади. Чунки чақалоқ нафас олмас эди. «Тез ёрдам»нинг ҳам ёрдами тегмайди. Экспертларнинг айтишларича, чақалоқни мушук ўлдирган экан. Атайин эмас, у чақалоқнинг юзига ётиб олиб, нафас олиш йўлини бўғиб қўйган.**

## ОИЛА даврасида

## УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН

**Товуқ шўрва пишираётганда унга пиёз ва сабзидан бошқа сабзавот солманг, акс ҳолда у ўз лаззатини йўқотади.**

***

Агар шўрва қайнаётганда унинг кўпигини олиш ёдингиздан чиқиб қолган бўлса-ю, кўпик қозон тагига чўкиб қолса, ташвишланманг: Қозонга бир пиёла совуқ сув солсангиз кўпик яна тепага кўтарилади.

***

**Шўрвани паст оловда қайнатган маъқул, акс ҳолда шўрва тиниқ бўлмайди, гўшт ҳам ўз лаззатини йўқотади.**

***

Шўрва қайнаётганда уни оҳиста айланма ҳаракати билан шопиринг. Шунда шўрванинг қуюқлиги бир хилда бўлади ва сабзавотлар ҳам бутунлигича қолади.

***

**Тайёр бўлган шўрвада лавр япроғини қолдирманг. Майдаланган саримсоқни шўрва пишишига озгина қолганда солинг.**

***

Шўрвага хамир маҳсулотлари солмоқчи бўлсангиз, уни қозонга солишдан олдин бир дақиқача иссиқ сувда сақлаб туринг, сўнг уни човлига ағдариб шўрвага солинг. Шунда шўрва хира тортмайди.

***

**Шўрвангиз новвотранг бўлиши учун озгина ювилган қизил пиёз пўсти қўшинг.**

**ҚИДИРАЛИ тайёрлаган.**



***Нуробод тумани Сарикўл қишлоғида ҳалол меҳнати билан эл ҳурматида бўлган хонадонлар кўп. Келдиёровлар оиласи шулар жумласидандир. Холиёр ака билан Норбуви опа аҳил-иноқликда рўзғор тебратдилар, 11 фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар.***

**Суратда: Холиёр ака ва Норбуви опа неваралари Бекзод билан.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

*«Ишонч» устахонаси*

## ҲАМ КЕТМОН, ҲАМ БЕЛКУРАК

***Қишлоқ хўжалигида асқотадиган жиҳознинг чизмасидан фойдаланиб бир вақтнинг ўзида ҳам белкурак, ҳам кетмон ясаб олишингиз мумкин. Мазкур чизмада биргина белкуракка икки жойидан соп киритиш учун тешик қилинади. Уларнинг бири ерга перпендикуляр, иккинчиси эса вертикаль ҳолатда ясалади.***




**Саидмурод ҲАСАНОВ тавсияси.**

*Тиббий маслаҳатхона*

## ҲАМЁНИМИЗ МИКРОБ МАКОНИ...

***Кун давомида юздан зиёд қўлдан-қўлга ўтувчи пуллар қанчалаб микроб ташимайди дейсиз. Пул қанчалик кўп айланса, унинг ташийдиган микроблари ҳам шунчалик ортиб боради.***

Қўлингиздаги ушлаб турган пулингизнинг илгариги ҳолатини бир дақиқа ўйлаб кўрдингизми? Масалан, эрталабдан қўлининг қонини пештахта устидаги бўзга артиб, кассадан олган пулини уй бекасига қайтим тарзда бериши, ундан баққолга узатилиб, бошқа бир харидор воситаси билан автомобил устасига, ундан ахлат ташувчининг чўнтагига, унданда шаҳарга отланган йўловчи воситаси ила бошқа бировга ва яна...

Ҳамда бир-икки кун ичида ўзингиз билганингиздек анча йўл босиб пул қўлдан-қўлга ўтиб қайтиб келиши ҳам мумкин.

Аммо ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар кун қўлимиздан ўтаётган катта-кичик суммалар, микроблар манбаи назаридан қаралганда саломатликка заҳмат етказувчи манба ҳамдир. Пуллар ҳаддан зиёд кўп қўлланилиши, жамиятнинг ҳар бўғинида катта суръат билан қўлдан-қўлга алмашиши, турли хил бактерияларнинг тўпланишига очиқ шароит яратишлиши, бошқа нарсаларга қараганда инсон саломатлиги юзасидан жуда кўп таҳликали ифлосланиши ҳам мумкин.

Хусусан, пулни санаш чоғида бармоқларни тил ва лаб билан ҳўллаш одати эса пулдан бирон бир микробни орттириш ёки юқтириш имконини янада оширади.

Мазкур ҳақиқатни очиш ҳамда тозаликка кўпроқ аҳамият бериш, эътиборсиз жамият бўлмаслик мақсадида бу мавзуда муфассал илмий тадқиқотлар ўтказила бошланди.

Илк тадқиқот 1974 йилда профессор Анвар Четин ва асисстент доктор Исмат Жондон томонидан ўтказилди. 1974 йилга қадар фақатгина Филиппинда шундай тадқиқот ўтказилган ва ишонарсиз натижаларга эришилган.

Профессор Анвар Четин ва Исмат Жондон, тадқиқотларини жамиятнинг турли нуқталаридан тўплаган 160 та пул билан бошладилар. Булар ҳожатхонага кириш ҳақи, тиланчилар тўплаган ва кундалик турмушда одамларнинг олди берди воситаси ўлароқ қўлланиладиган пуллар эди. Йиғилган куниёқ текширишга олинган банкнотлар дистирланган сув билан ювиларкан, ундаги бактериялар тасниф қилинди.

Қўлга киритилган натижалар ҳеч ачинарли эмасди. Йиғилган 35 дона мис пулнинг 71 фоизи, 80 дона никель пулнинг 77 фоизи, 45 дона қоғоз пулнинг 87 фоизида инсонларда касаллик қўзғатувчи бактериялар борлиги аниқланди. Маълумотларга қараганда пулда 13 турдаги касаллик қўзғатувчи бактериялар бўларкан, бу бактерияларнинг ҳар бири 20 ёки 30 та касалликнинг бош сабабчиси бўлиши мумкин экан.

Касаллик хусусиятини ташийдиган савдо қилувчи шахсларда, пул ифлослигининг нисбатини билиш мақсадида ўтказилган тадқиқотларда эса, гавжум нуқталардан олинган айни миқдордаги маъданли пулларнинг энг ифлоси - лаҳмажунчилар (турк таоми, биздаги перажкачилар каби)дан олинган пуллар ташкил қилади. Булардан йиғилган пулларда 4480, қассоблардан олинган 3760, тиланчилардан олинганлардан 3680, тўғри келган шахслардан олинганларидан эса 3625 дона бактериялар топилди.

Ўтган йилларда фойдаланилган олтин ва кумуш аралашмаси бор пуллар қоғоз пулларга нисбатан анчайин тоза ҳисобланган. Чунки ўша пуллар «олигодинамик» хусусиятга эга. Яъни бу металлар микроб ўлдирувчи хусусиятга эга. Қоғоз пулларда олигодинамик хусусида сўз юритилмасада, намликни ортиқча ушлаши сабабли бактерияларнинг жойлашиши ва кўпайишида катализатор (воситачи) бўлиб хизмат қилади.

1974 йилдаги «Пул кирлиги» операцияси тадқиқотчилари пул хусусида яна шуларни ҳам маълум қилишдики, бир қоғоз пул Европада 20 йилга яқин муддат ичида фойдаланилишига қарамай, ўз ҳолатини йўқотмайди. Туркияда 4 йил фойдаланасизми, йўқми, ўз хусусиятини йўқотади. Пул устига расм чизиш, имзо қўйиш одат тусига кириб қолган. Пуллар йиртилмоқда. Пулни йиртиш- давлатга хиёнатдир. Ҳамёндан фойдаланиш одати йўқ. Топганимизни, бошқасидан олган пулларни ҳеч эътибор бермасдан бужмайтириб, буклаб чўнтагимизга солиб қўямиз.

Миллий бюджетга зарар келтирадиган бундай ҳолатларнинг олдини олиш, саломатлик, пул ифлосланишига йўл қўймаслик ва бу соҳага эътиборни кучайтирмоғимиз лозим.

Бу муҳим бир мавзуни, муаммони инсонларга тушунтирмоқ, онгига сингдирмоқ лозим. Мисол учун, қассоб қонли қўллари билан пулни ушлайди. Тўйларда пуллар ҳўлланиб пешонасига ёпиштирилади. Ҳам ёпиштирганга, ҳам ёпиштирилганга жуда маданиятсиз намойишдир.

Пул кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Жамиятимиз пулга бунчалик аҳамият берадики, инсонларнинг ишга яроқли, яроқсизлигини чўнтагидаги пул миқдори билан ўлчанади. Иш, бу қадрли воситачининг ҳимоясига келаркан, кўрсатилаётган ёки берилаётган аҳамият йўқ бўлади.

Доллар ва марка йиллар давомида фойдаланилишига қарамай, ҳеч қандай зарар кўрмайди, турк пули бир неча йилдан кейин танимайдиган ҳолатга келиб қолмоқда. Бозорларда ўнталиклар сиқилиб-букланиб, олди-бердидан сўнг чўнтагимизга тиқиштирамиз, жонимиз сиқилганда туйғуларимизни ёзамиз ва бизнинг қўлимиздан ўтганлигини исботлаш учун имзо қўямиз.

Ҳамёндан фойдаланиш одати йўқлиги туфайли йиртилган, қисқа муддат ичида эскириб қолган пуллар, пуллар...

Жамиятимизда узоқ йиллардан буён баҳслашув давом этиб келмоқда. Бу «операция»ни тезлик билан амалга оширишни хоҳлаётган жамиятимизнинг тиббиёт ходимларидир. Улар ҳам қўлларимизнинг ва фойдаланаётган пулларимизнинг тоза бўлмоғи лозимлигини, бу хусусда «қаттиқ турмоқлик» фикрини илгари сурмоқдалар.

Ва бу ҳақиқатни индивидуал ўйлаб кўрганимизда жисмоний, умумий баҳо беришда эса жамиятимиз соғлигининг бузилмаслиги учун бу тадқиқот катта аҳамият касб этади.

**Туркчадан Давур ТУРОН таржимаси.**

**«Nokta» журналидан олинди.**

# «ЯНГИ ХАМСА» ҲАҚИДА

**Шарқнинг забардаст инсонпарвар шоирларидан бири Низомий Ганжавий XII асрда илк бор «Хамса» яратиб, Шарқ адабиёти тарихида хамсанависликни бошлаб берди. Бу анъанани давом эттирган Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарлари эса Шарқ хамсанавислигида алоҳида ўрин тутади. Бизнинг замондошимиз ва ватандошимиз, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, заҳматкаш шоиримиз Барот Бойқобилов ўзининг буюк салафлари анъаналарини давом эттириб, XXI аср бўсағасида «Янги хамса» яратиш шарафига муяссар бўлди.**

Даставвал бир муҳим фикрни алоҳида урғулаб, таъкидлаб айтайликки, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг хамсалари тарихимиздаги Уйғониш (Ренессанс) даврининг марҳалларидан бири бўлмиш XV асрда ёзилган бўлса, Барот Бойқобиловнинг «Янги Хамса»[1] си мутлақо янги бир даврда, XXI аср бўсағасида эришганимиз Истиқлол замонасида, айтиш мумкин, тарихий тараққиётимиздаги Уйғониш даврининг янги марҳаласида бунёд этилди. Шонли 7 йиллигини алоҳида шукуҳ билан нишонлаган Миллий Истиқлолимиз бизга мутлақо янги, бахтли ва шарафли давр яратиб берди. Бундай ўта қулай ижтимоий — сиёсий, маънавий — маданий шароит ва унинг ижодкори муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовнинг буюк ўрни, алоҳида мавқеини чуқур ва нозик англаган шоиримиз Барот Бойқобилов ҳақли равишда «Янги хамса»сининг 401-403 -бетларида шундай ажойиб сатрлар битади:

*«Озод Ўзбекистон сарвари якто,*
*Буюк Соҳибқирон Темурдек доно.*
*Беназир даҳо у, мутафаккир Зот,*
*Ҳурлик деб солди у майдон ичра от...*
*Темур панжасига панжа урди У,*
*Темурда илоҳий қудрат кўрди У.*
*Жаҳон саҳнасига чиқди пурвиқор,*
*Адолат ўрнатди юртда устувор...*
*Юз йилда бир марта чиқар бундай Зот,*
*Ватан осмонида порлоқ кундай Зот,*
*Шуҳрати тарихни, буркасин шонга,*
*Оллоҳ берди уни Ўзбекистонга!»*

«Янги Хамса» асари XV аср ижтимоий — сиёсий, маданий — адабий, маънавий-маърифий ҳаётининг бадиий солномаси, Хуросон ва Мовароуннаҳр мамлакатларининг тарихий воқеа — ҳодисаларининг гувоҳномасидир, десак асло муболаға бўлмайди.

Асар беш улкан достондан иборат бўлиб, қарийб 50 минг мисраъни, ёхуд 24 минг байтни ўзида мужассам этган. Бу достонларнинг қаҳрамонлари асосан тарихий шахслар бўлиб, унда Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Абу Саид Мирзо, Хожа Аҳрор Валий, Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Абулқосим Бобур, Умар Шайх Мирзо, Паҳлавон Муҳаммад, аллома хожа Фазуллоҳ Абуллайс Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Султон Али Машҳадий сингари алломалар, шуаро, фузало, хаттот ва мусаввирлар каби тарихий шахсларнинг бадиий тимсоллари яратилган. XV юз йилликда яшаб ижод қилган Мовароуннаҳр ва Хуросон маънавияти, маданияти, адабиёти ва санъати равнақига улкан ҳисса қўшган, иккинчи Уйғониш (Ренессанс) даврининг улуғвор сиймолари акс эттирилган.

Биринчи достон «Нотинч Хуросон» 1441 — 1464 йиллар воқеаларини ўз ичига олган бўлиб, Шоҳрух Мирзо салтанатининг сўнги йиллари Султон Абулқосим Бобур ҳукмронлиги ва Хуросоннинг Моваруннаҳр ҳукмдори Султон Абу Саид Мирзо томонидан босиб олиниши даврини қамраб олади. Мана шу ижтимоий-сиёсий муҳитда Алишер Навоийнинг ёшлик йиллари кечади.

Маълумки, Алишернинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир Темурийлар салтанатининг атоқли кишиларидан бири бўлиб, у Шоҳрух Мирзо, Абулқосил Мирзо саройида хизмат қилган, Сабзаворда ҳокимлик қилган. Алишербек Темурийлар саройи муҳитида улғаяди, вояга етади. Бу даврда Ҳирот мамлакатда адабиёт ва санъатнинг бешигини тебратган шаҳар эди. Лекин ўша даврда Хуросон анча нотинч мамлакат эди, темурийлар ўртасида ҳокимият учун кураш авжига чиққан бир замона эди.

«Шукуҳли карвон» номли иккинчи достон Алишер Навоийнинг Самарқанд даври ҳаётига бағишланган. Унда Султон Абу Саид Мирзо Ҳирот тахтини эгаллагандан кейин Алишер Навоийнинг Ҳиротдан четлатилиши, Самарқандда хожа Абуллайс мадрасасида таҳсил кўриши, Султон Аҳмад, Мирзо саройида Чиғатой амири лавозимида фаолият кўрсатиши, Моваруннаҳр адабий муҳитига раҳномалик қилиши ҳамда Хуросон тахтига дўсти ва маслакдош Ҳусайн Бойқаронинг ўтириши муносабати билан, «маншури олий» келганидан сўнг, Ҳиротга шукуҳли карвон билан жўнаши тасвирланган. Бу воқеалар 1465-1469 йилларда бўлиб ўтади.

Учинчи достон «Сокин Хуросон» 1462-1487 йиллардаги Хуросон юртида юз берган воқеаларни қамраб олган. Султон Абу Саид Ҳирот тахтига чиққач, ўзининг босқинчилик сиёсатини тўхтамайди, қўшни юртларга мунтазам таҳдид солиб туради. Ва, ниҳоят , 1469 йили Озарбайжонда Узун Ҳасан билан бўлган урушда ўз сипоҳийлари томонидан ўлдирилади. Унинг бир қисм аскари бу хабарни Султон Ҳусайн Бойқарога етказгач, у тезлик билан Ҳирот тахтини эгаллайди. Маълумки, Ҳусайн Бойқаро ўз тоғаси Султон Абу Сайид билан Ҳирот тахти учун курашган эди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач, Алишер Навоий сарой хизматига тортилгандан сўнг, юртда осойишталик ўрнатилади. У аввал муҳрдор, кейин вазир, улуғ Амир лавозимларида ишлайди. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонасида Хуросонда тинчлик ва осойишталик қарор топади ва халқ ҳаёти бирмунча яхшиланади, адабиёт ва санъатнинг гуллаб яшнагига шароит туғилади. Бу даврда Хуросон ва ҳатто Мовароуннаҳр ва бошқа Шарқ мамлакатларининг кўзга кўритнган олиму фузалолари, шоиру шуаролари Ҳиротда жам бўлишиб, Алишер Навоий бошчилигида, Хуросон довруғини жаҳон бўйлаб ёйишга хизмат қиладилар. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро билан биргаликда мамлакатни обод қилади, Хуросон Мовароуннаҳр билан рақобат қилади, Самарқанд билан Ҳирот ўртасида тиғиз алоқалар бошланади. Шу даврда Ҳусайн Бойқаро билан Абдураҳмон Жомийнинг илтимоси билан Алишер Навоий ўзининг беш достондан иборат машҳур «Хамса»сини яратади.

Сарой муҳитидаги фисқу — фужурлардан зада бўлган Алишер улусдан ўзига мадад кутади. «Сокин Хуросон» достони Алишер Навойнинг Астрободга ҳоким юборилиши билан тугайди.

Тўртинчи достон «Қонли Хуросон» 1487-1501 йиллардаги тарихий воқеаларга бағишлаган. Хуросоннинг ижтимоий- сиёсий муҳитида Алишер Навоийнинг мавқеи бағоят баланд бўлган. Ундан Ҳусайн Бойқаро унумли ва ўринли фойдаланган. Астробод вилояти Хуросонинг энг нотинч ўлкаси Озарбайжон ва Туркия билан чегарадош бир мамлакат эди. «Чегара мустаҳкам бўлса, мамлакат тинч бўлади», деган ҳикматга амал қилган Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астробод ўлкасига ҳоким этиб тайинлайди. Астрободни бир оз тинчитгач Навоий Ҳиротга қайтади.

Буни баъзи сарой аъёнлари, Маждиддин, Низоммулмулк саройдан бадарға қилинади. Унинг ўрнини эгаллаган Низомилмулк каби вазирлар хуш кўрмайдилар. Кейинчалик Маждиддин саройдан бадарға қилинади. Унинг ўрнини эгаллаган Низомилмулк қонли ишларга қўл уради. Ҳусайн Бойқаро Марвдалигида маст — аласт ҳолда ўз набираси Мўмин Мирзонинг ўлдирилиш ҳақидаги фармонга имзо чекади. Ҳушига келгач, имзо бекор қилинади. Лекин ғишт қолипдан кўчган эди. Қасос, тожу тахт учун беаёв курашлар, биродаркушлик туфайли мамлакатда даҳшатли ва қонли воқеалар юз беради. Хуросон тахти ларзага келади. Шу пайтда Самарқандни Шайбонийхон эгаллайди. Ўз юртидаги ур-йиқитлар билан банд бўлган Ҳусайн Бойқаро Самарқандга ёрдам беролмайди. Шу зайлда сокин Хуросон қонли Хуросонга айланади.

Энди «Янги хамса»нинг 391-543 - бетларида берилган охирги бешинчи достон «Ҳайратул— Аҳрор» ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик. Ушбу достонда ҳам «Янги хамса»нинг умумий мавзуъи— тарихимиздаги энг ёрқин олтин давр ҳисобланган XV аср ҳақида, ўша бағоят сермаҳсул, мураккаб, алғов-далғовли замонда яшаб ўтган Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро Камолиддин Беҳзод, Султон Али Машҳадий, ниҳоят, ўша XV юз йилликнинг энг бузрўкворсиймоси бўлган хожа Аҳрор валий сингари кўплаб буюк аждодларимиз тўғрисида алоҳида эҳтирос, меҳр-муҳаббат билан ҳикоя қилинади.

Шу фикрни алоҳида таъкидлаб ўтайликки, шоир Барот Бойқобиловнинг ушбу асари Истиқлолимизнинг бағоят ширин ва арзигулик меваларидан бири ҳисобланади. Чунки сўнгги 70-80 йиллик тоталитаризм даврида хожа Аҳрор валий ҳам Яссавий, Ғиждувоний, Кубро, Нақшбанд каби юзлаб буюк мутасаввиф донишмандларимиз қатори ноҳақ ва ғайриилмий равишда ёмонотлиқ қилиб келинар эди. XV аср маданий ҳаёти тўғрисида ёзган адиб ва олимларимизнинг деярли ҳаммалари ноҳақ равишда хожа Аҳрорни «феодал», йирик мол-мулк эгаси», «реакцион шахс», ҳатто «Мирзо Улуғбекнинг қатл этилишида қўли бор», дея қора бўёқларда тасвирланиб келарди.

Шоир Барот Бойқобилов 1991 йилдан сўнг Истиқлолимиз берган қулай ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва мафкуравий шароитдан унумли ва самарали фойдаланиб, улуғ мутасаввиф донишманд бобокалонимиз хожа Аҳрорнинг шахсияти, нуроний ва қудсий қиёфаси олдида сўнгги 70-80 йиллик мустамлака даврида қаланиб ётган зарарли, совуқ мунжамид музликларнинг фикр-мулоҳазаларини дадиллик билан парчалаб ташлади, бу улуғ инсоннинг маънавиятини тиклай билди.

Ҳазрати эшоннинг ибратли ҳаёти, сермаҳсул ижоди ва ҳайрли фаолиятига оид тарихий манбаъларни синчиклаб пухта ўрганди. Шоир хожа Аҳрор валийнинг 1404 йилда Тошкентда таваллуд топиши, унинг аждодлари: шайх Қаффоли Шоший, хожа Муҳаммад Номий, шайх Умар Боғистоний, шайх Хованди Таҳур каби бузругвор зотларга бориб боғланиши, Боғистон ҳамда Тошкентда кечган болалиги ва ўсмирлиги, Самарқандга ва Ҳиротга қилган узоқ ва сермаҳсул сафарлари, умуман хожа аҳрор валийнинг ажойиб, ҳайратомуз, хайрли фаолияти тўғрисида тарихий воқеа-ҳодисаларга мутобиқ равишда маснавийда, ширин ва таъсирчан шеърий тил билан батафсил ҳикоя қилади.

Аслида, насл-насаб юзасидан хожа Аҳрор валий авлодига мансуб бўлган шоир Барот Бойқобилов ўз достонида улуғ аждодининг хайрли юмушларидан, савобли фаолиятларидан кўплаб эътиборли ва қизиқарли мисоллар келтиради. Биз фақат шоир тасиридаги ҳазрати хожамизнинг Шоҳрухия (қадимги Банокат) ёнида қилган буюк бир хизматини (1485 й) эслатиб ўтмоқчимиз. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент ҳукмдорлари бўлмиш уч темурийзода биродар (Султон Аҳмад Мирза, Мирзо Умаршайх, Султон Маҳмудхон) уч томондан 200 мингга яқин лашкар тўплаб ўзаро хунрезлик жангига отланадилар. буни сезиб қолган ҳазрати эшон шогирдлари, мавлоно Муҳаммад қози, Фахриддин Али ас-Сафийлар билан бирга, жанг майдонига аввалроқ етиб келиб, майдонга чодир қурдириб ва Қуръони мажидни муборак қўлларига олиб, ажойиб кароматлар кўрсатилар, уч темурийзодага панд — насиҳатлар қиладилар. Охири уларнинг бошларини қовуштириб, муросага келтирадилар ва бу билан жафокаш Туркистонимиз аҳолисини навбатдаги хунрезлик ва биродаркушликдан сақлаб қоладилар. Ўз қаҳрамони, улуғвор пир-муршидига эҳтироми, эътиқоди ниҳоятда чуқур ва самимий бўлган шоир достонининг Хотима қисмида ҳазрати хожанинг жаҳонаро юксак обрў-эътиборини, беқиёс қадрқимматини, унинг ўткир фикр-мулоҳазаларини таъкидлаган ҳолда, бундай таъсирчан сатрлар битади:

*«Хожа Убайдуллоҳ эрдилар бу Зот,*
*Ҳаёти, аъмоли асл мўъжизот...*
*Хитодин токи Рум уни олиб тан,*
*Муқаддас қалбида топдилар Ватан...*
*Йигирма етти мулк Шоҳу Султони,*
*Улуғ Эшон, дебон сийлади Они.*
*Амру — фармонига қилиб итоат,*
*Кўзига сурдилар битса муншоот,*
*Пир, дебон атади улуғ Сиймолар,*
*Жомий, Навоий ва Бобур Мирзолар,*
*Фақир ҳам бош эгдим Ҳазрат наздида,*
*Даҳовий қудратни кўриб фазлида».*

(«Янги Хамса», 541-бет)

ҳазрат Навоий ўз даврида забардаст ҳамсанавия салафлардан бири Низомий Ганжавийни эслаб

*«Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,*
*Низомий панжасига панжа урмоқ»,*

дея зўр ғурур ва ифтихор ила ўзининг «Хамса» яратишга муваффақ бўлганлигини эслатган эдилар. Ўз салафларига садоқатли шоиримиз Барот Бойқобилов ҳам ўзининг «Янги Хамса» асарининг «Хотима» қисмида улуғ хамсанавис «тўрт паҳлавон» устоз салафларини (Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий:, Алишер Навоий) зўр мамнуният, чуқур эҳтиром билан эслайди, ўзининг беҳад севинч, ифтиҳор ва ғурур ҳисларини мустаҳақ равишда бундай деб баён қилади:

*«Не ажаб, меҳнатим мевасин кўрсам,*
*Тўрт паҳлавон шернинг ёнида турсам...*
*Беш жилддан иборат бу нодир асар,*
*Ал-фақир Баротдан бир ёдгор магар.*
*Бу асарни битдим авлодим учун,*
*Туркистонда машҳур аждодимиз учун»*

«Янги Хамса», 543— бет.

Хоразмлик шоир ва олим Баёний «Дунёдаги ҳамма бойликлар, улкан давлатлар, буюк салтанатлар йўқ бўлиб кетади, не-не ҳашаматли саройлар, кўшк-айвонлар барҳам топади, Жаҳонда фақат бир нарса «мушайиб бино» янлиғ абадул - абад сақланиб қолади. Бу - сўздур!» деган экан. Шоир Барот Бойқобилов ҳам ўзи учун, халқи ва Ватани учун ноёб ва нодир бадиий сўздан ташкил топган абадий бузилмас (мушайиб) бино ҳисобланган «Янги хамса асарини яратди. Биз ҳам ўз навбатимизда заҳматкаш шоир Барот Бойқобилвонинг оддий бир китобхони сифатида, унинг навбатдаги ажойиб муваффақияти билан сидқидилдан самимий табриклаб, мустахкам соғлиқ, янги ижодий парвозлар ва омадлар тилаб қоламиз.

**Бўрибой АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон РФА академиги,**
**Ориф УСМОН,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, фиология фанлари доктори.**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Кеча Тожикистон республикасининг меҳнаткашлари мустақиллик кунини нишонладилар. Душанбе ва вилоят марказларида байрам шодиёналари, оммавий сайллар бўлиб ўтди. Кўп йиллик фуқаролар уруши натижасида иқтисодий аҳволи анча заифлашиб қолган республика олдида турган вазифаларга тўхталар экан, Президент И.Раҳмонов - етти йил мустақилликни мустаҳкамлаш учуч қисқа муддат эканлигини, бунинг учун МДҲ мамлакатлари билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш муҳимлигини айтган.**

***

Республика мустақиллиги куни арафасида Тожикистон Президенти И.Раҳмонов Марказий Осиё республикаларини бошқа давлатлар билан боғлашда катта аҳамият касб этувчи магистралнинг биринчи қисми бўлган узунлиги 54 километрли Қўрғонтепа - Кўлоб темирйўлни очди.

***

**Россиядаги оғир сиёсий ва иқтисодий аҳвол Президент Б.Ельцинни Алматида ўтказиладиган йиғилишга келиш имконини бермади. Бу ерда Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия давлат бошлиқлари давлатлараро божхона масалаларини муҳокама қилишлари лозим эди.**

***

Қирғизистонга расмий визит билан келган эронлик делегация республика радио ва телевидение раҳбарлари билан иккала давлат ўртасида радио ва теле кўрсатувларни айирбошлаш хусусида келишиб олдилар.

## ГАЗ КЕЛАЁТИР ГАЗ...



***Баҳористон туманидаги «Чандир» қишлоғида 8 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўп йиллардан буён чорвачиллик билан машғул бўлиб келган қишлоқ аҳли мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлишмоқда. «Чандир» жамоа ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Атавулла Тўраев хўжаликка раҳбар этиб тайинлангач, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун баракали ишга қўл урди. Қаршидаги «Қурувчи» жамоа корхонаси билан ўзаро шартнома тузиб, қишлоққа табиий газ олиб келишни йўлга қўйди. Айни пайтда 200 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлмоқда. Жамоанинг Рўзимурод Шозотов раҳбарлик қилаётган бу корхона монтажчилари хонадонларни газлаштиришни уюшқоқлик билан олиб бораяпти.***

**Суратда: Рўзимурод Шозотов (ўнгдан биринчи) қишлоқ аҳли билан суҳбатлашмоқда.**

**Шавкат СУЛТОН олган сурат.**

## • ҚУТЛОВ! • ҚУТЛОВ! •

### Ҳурматли Мейманқул Мирзақулов!



Сизнинг кўп йиллик самарали меҳнатингиз, айниқса касаба уюшмалари фаолиятидаги изланувчанлигингиз , ташаббускорлигингиз, фидойилигингизни, бугунги кундаги Бўстонлиқ туман давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси раиси сифатида тумандаги шу соҳа кишиларининг фаровонлиги йўлидаги хизматингизни биз ҳамкасабалар юксак қадрлаймиз.

Қадрли ҳамкасбимиз, ҳамкоримиз, Мейманқул Мирзақулов! Ушбу кунларда сиз 60 ёшга тўлдингиз. Қутлуғ ва табаррук ёшингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ ва фаровон ҳаёт, оилангизда бахту саодат тилаймиз. Мустақил юртимиз файзига файз қўшиб, файзли бўлиб юринг.

**Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Тошкент вилоят қўмитаси жамоалари.**

## ТЕЗКОР ШАРҲ

# «НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?»

### БУ САВОЛГА РОССИЯЛИКЛАР ҲАЛИГАЧА ЖАВОБ ТОПИШОЛМАЯПТИ

**Россиядаги вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Мамлакат икки ҳафтадан буён ҳукуматсиз. Думада Бош вазирликка В.Черномирдин номзоди маъқулланмагандан кейин мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий аҳвол кескин ёмонлаша бошлади.**

Россия ахборот агентликлари тарқатаётган хабарлар бири-бирдан ташвишли. Иш ташлаш ва норозилик намойишлари тобора куч олиб, оловланиб бормоқда. Намойишчилар иш ҳақини тўлашнигина эмас, балки сиёсий талабларни ҳам кўтариб чиқишмоқда. Минглаб, ўн минглаб мактабларда сентябрнинг иккинчи ҳафтаси бошланганига қарамай, дарслар ўтилмаяпти. Завод ва фабрикалар биринкетин ёпилмоқда.

Рублнинг тобора қадрсизлана бораётгани-ю, импортнинг камайганидан ташвишга тушган россияликлар дўконларда мавжуд молларни керак-нокераклигидан қатъи назар, «супуриб» кетмоқда. Вологдадан ёзишларича, шанба куниёқ дўконларда шакар ва кир ювиш воситалари ғойиб бўлган, ўсимлик ёғи эса уч баробар қимматлашган. Вилоятдаги ёнилғи қуйиш шаҳобчаларида бензин йўқ. Находкада эса ун, шакар ва бошқа кундалик эҳтиёж молларининг нархи кескин ошганига қарамай, одамлар узундан-узун навбатларда туришибди. Бозорлар ва дўконларнинг омбор ва пештахталари бўшаб қолди. Сотувчилар янги маҳсулот олиб келишдан ўзларини тиймоқдалар. Бошқирдистонда ун ва шакарни қоплаб сотиб олишмоқда. Ўта қимматлашган ўсимлик ёғи учун ҳам навбатда турганлар саноқсиз. Россиянинг бошқа минтақаларида ҳам аҳвол яхши эмас. Асосан хориждан келтириладиган маҳсулотларга қарам бўлган Чекка Шимол ва Узоқ Шарқ вилоятларида пештахталар собиқ қизил империя пайтидагидек бўм-бўш бўлиб қолди.

Маълумки, Россиянинг собиқ бош вазири С.Кириенко ҳукумати юз берган молиявий бўҳронни бартараф этолмаганидан кейин, истеъфога чиқарилган эди. Натижада президент Б.Елцин беш ой бурун ўзи истеъфога жўнатган В.Черномирдинни қайтадан бош вазирликка тавсия қилди. Бироқ Давлат Думаси В.Черномирдин номзодини маъқулламади. Чунки депутатлар Россия бугун бошидан кечираётган молиявий бўҳрон пойдевори айнан В.Черномирдин ҳукумат раислиги пайтида қўйилган эди, деб ҳисобламоқда. Мамлакат бюджетидаги камомадни тўлдириш, миллий валютанинг қадрини ушлаб туриш учун олинган беҳисоб қарзлар мамлакат бюджетини «ўтирғизиб» қўйганидан кейин, рублнинг тўсатдан қадрсизлана бошлаши ва истеъмол бозорида юз берган узилишлар иқтисодий сиёсатнинг аввал бошдан нотўғри пойдевор устига қурилганидан гувоҳлик бермоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришга эмас, фақат рублни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат Россиянинг истеъмол бозорини дастлаб товар билан тўлдиргандек бўлиб кўринса-да, миллий саноат ва қишлоқ хўжалигининг барбод бўлишига олиб келди.

Мухолифатчиларни чўчитаётган ҳоллардан яна бири 2000 йилда бўладиган президент сайловлари олдидан В.Черномирдин мавқеининг кучайиб кетиши ҳамдир. Агар В.Черномирдин бош вазирликка сайланса ва ҳукумат бугунги иқтисодий бўҳрондан муваффақиятли чиқиб кетса, бошқа номзодлар бўлғувси президент сайловида ютиб чиқишдан умидини узса ҳам бўлади.

Кузатувчилар Россиядаги бўҳроннинг сабабларини кейинги вақтда Жануби-шарқий Осиё минтақасида, Лотин Америкаси мамлакатларида юз бераётган бўҳрон билан ҳам изоҳламоқда. «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», деган мақолга амал қилган дунё сармоядорлари озгина бўлсин беқарор минтақадан ўз сармоясини олиб чиқиб кетмоқда. Россияда президент ва Дума орасидаги келишмовчиликнинг кучайиб кетиши ҳам хорижлик сармоядорларни ана шундай йўл тутишга ундамоқда. Бундай вазиятда мамлакатнинг узоқ муддат ҳукуматсиз қолиши иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг баттар таранглашишига олиб келади.

Шу боис ҳозир президент Б.Елцин ва парламентнинг ҳар иккала палатаси орасида ўзаро музокаралар давом этмоқда. Парламентнинг юқори палатаси бўлган Федерация Кенгаши амалда В.Черномирдин номзодини маъқуллади. Бироқ қонун чиқарувчи асосий орган бўлган Давлат Думаси кўпчилик овоз билан президент тавсия қилган номзодга қаршилик кўрсатмоқда. Улар янги бош вазир сайланиши учун президент аввал ўз ваколатларининг бир қисмидан воз кечиши керак, деган талабни илгари сурмоқда. Радикал мухолифатчилар эса президент истеъфога чиқиши лозим, дейишмоқда. Ҳатто, ўз ихтиёри билан истеъфога чиқишни сўраб президентга мурожаат ҳам қилдилар. Табиийки, Б.Елцин бундай таклифларни рад этди. Лекин мамлакатнинг узоқ муддат ҳукуматсиз қолиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги туфайли Б.Елцин Дума билан келишув йўлини тутишга қарор қилди.

Вазиятнинг мураккаб томонларидан яна бири шундаки, Дума В.Черномирдин номзодини уч бор маъқулламаса, президент ё янги номзод кўрсатишга, ё Думани тарқатиб юборишга мажбур бўлади. Биринчи ҳолда мамлакат яна узоқ муддат ҳукуматсиз қолиб кетади. Нафақат иқтисодий, балки сиёсий вазият ҳам янада чигаллашади. Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа ташкилотлардан қарз олиш имконияти бутунлай йўқолади. Иккинчи ҳолда эса қонуний сайланмаган ҳукуматнинг иқтисодий ислоҳотлар олиб бориш имконияти йўққа чиқади. Қонун билан мустаҳкамланмаган иқтисодий муҳитда фаолият кўрсатишга хорижлик инвесторлар рози бўлмайди. Ҳолбуки, бугунги иқтисодий тушкунликдан Россия ўз кучи билан чиқиб кетиши жуда қийин. У халқаро ташкилотларнинг кўмагига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож.

Душанба куни Думада В.Черномирдин номзоди қайта овозга қўйилишидан олдин Б.Елцин бошчилигида парламент ва ҳукумат вакилларидан иборат келишув комиссиясининг давра столи бўлди. Унда «даҳанаки жанглар» узоқ давом этди. Томонлар ўз қарашларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Лекин мамлакат бундан ортиқ ҳукуматсиз қолиши мумкин эмаслиги бир овоздан эътироф қилинди...

Бундан салкам юз эллик йил бурун рус коммунистларининг маънавий отаси Чернишевский «Нима қилмоқ керак?» деган ташвишли хитобни ўртага ташлаган эди. Афтидан, россияликлар бу саволга ҳамон жавоб топмаган кўринади.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

ИШОНЧ
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси муассис

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
**Чори ЛАТИПОВ**

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Намангнда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.30

Буюртма Г— 0337. Нусхаси — 15.088.   Масъул навбатчи: Абдулла АЙИЗОВ   1 2 3 4 5 6